АДАБИЁТ ВА ЗАМОНАВИЙ ЯШАШ АСРИ

НОРМУРОД НАРЗУЛЛАЕВ

ҚАРДОШЛАР НАЗМИДА ЯНГРАГАН НАВО

Ўзбек эли, Самарқанд шаҳрининг донғи бутун жаҳонга кетган. Самарқанд диёрининг ёру дўстлари оламнинг турли мамлакатларида бор. Шу боисдан Самарқанд мавзуи фақат ўзбек адабиётидагина эмас, қардош совет халқлари адабиётлари вакиллари ижодида ҳам муносиб равишда ишланиб келмоқда. Бу, албатта, ижобий адабий ҳодисаларки, унинг ижтимоий сабаблари ва тарихий илдизлари тўғрисида, адабий алоқалар ва ижодий ҳамкорликлар ҳақида сўз юритиш Самарқанд темасида қардош қаламкашлар яратган бадиий асарларни, аниқроғи, шеърий асарларни илмий таҳлил этиш ўзбек адабиётшунослигининг муҳим вазифаси бўлиб келмоқда.

Бизда халқлар дўстлиги, миллатлар ва элатлар биродарлиги жуда қадрланади, эъзозланади. Барча ғалабаларимизнинг гарови ҳам, социалистик жамиятимиз равнақининг негизи ҳам, куч-қудратимиз ва бирлигимизнинг бош манбаи ҳам кўпмиллатли, аҳил ва ягона оилага бирлашган СССР халқлари бузилмас дўстлиги, қардошларча биродарлигидир.

Партиямиз СССР қардош халқлари дўстлиги ва бирлигини янада мустаҳкамлаш учун, уларнинг тенг ҳуқуқлигини таъминлаш ва миллий маданиятлар янада равнақ топиши учун барча имкониятларни яратиб бермоқда, бу мақсад йўлида янги истиқболларни очиб бериш билан бирга, коммунистик идеологиянинг турли-туман форма ва методларидан оқилона фойдаланмоқда.

Қардош ўлкаларда шаҳарлар ҳамда республикалар кунларини ўтказиш, пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини кўпайтириш мақсадида уюштирилган социалистик мусобақалар, уларнинг шартларини ўзаро мунтазам текшириб бориш саноат корхоналари, қурилиш объектларини биргаликда барпо этиш, дўстлар бо-

шига ташвиш ёки мусибат тушганда (зилзила, сув тошқини ва бошқа табиий офатлар бўлганда), бир ёқадан бош чиқариб ёрдам қўлини чўзиш, мададкор бўлиш, маданиятлар, санъатлар ва адабиётлар байрамларини тантанали суратда нишонлашлар, хуллас, шунинг каби диққатга сазовор тадбирларни ўтказиш одат тусига кириб қолди. Бу эса, ўз навбатида, халқларимиз ўртасидаги бузилмас, қардошларча дўстликни янада мустаҳкамлашга, уларни ўзаро яқинлаштиришга, иқтисод ва маданиятни равнақ топдиришга, миллий маданиятларни ривожлантиришга, моддий-маданий бойликларни халқ мулкига айлантиришга, саноат, қишлоқ хўжалик ходимлари ўртасида бўлганидай, миллий республикалар адабиёти, санъат, маданият арбобларининг ижодий ҳамкорлигини таъминлашга ҳам хизмат қилмоқда.

Бинобарин, ўзбек совет адабиётида қардош республикалар турмуши, қардош халқлар ҳаёти мавзуида бадиий полотнолар яратиш ғоят табиий-ижтимоий ҳодиса бўлганидай, қардош халқлар шоир ва ёзувчилари ижодида ҳам ўзбек темасида, шу жумладан, Самарқанд мавзуида адабий-бадиий асарлар яратиш ва уларни халқнинг маънавий мулкига айлантириш мақсадида амалга оширилаётган хайрли ва фахрли ишлар ҳам қонуниийдир.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, Ўзбекистон, жумладан, Самарқанд мавзуида ёзилган поэтик асарларни халқлар дўстлиги темасида битилган асарлардан асло ажратиб бўлмайди. Ана шу икки темада ёзилган асарлар ўзаро шунчалик узвий боғланганки, уларни алоҳида-алоҳида олиб таҳлил этиб бўлмайди. Бу ҳолни айниқса рус совет шоирларининг Ўзбекистонга, Самарқандга бағишланган ва халқларимиз дўстлигини тараннум этувчи шеърий асарлари мисолида яққол кўриш мумкин. Н. Тихонов, А. Сурков, А. Сафронов, К. Симонов, В. Инбер, В. Тушнова, Е. Евтушенко, С. Сомова каби шоирларнинг Ўзбекистонга, Самарқандга бағишланган асарларига хос бўлган хусусият шундаки, уларда ўзбек халқининг босиб ўтган шонли йўли, ўз бахти саодати учун олиб борган мардона кураши, советлар даврида ўзбек халқи ҳаётида бўлган туб ўзгаришлар, халқимизнинг бахтли ҳаёти ўз ифодасини топгандир. Масалан, рус совет шоираси Вероника Тушнова — ўзбеклар диёрининг чинакам шайдоси. Шои-

ра халқимизнинг инсоний фазилатларини улуғловчи шеърида ўзбек халқининг фақат меҳмондўстлиги, очиқ кўнгиллилигини таъриф-тарғиб этибгина қолмайди, у шундай ажойиб фазилатларга бой диёрни севиб қолганлигини ҳам яширмайди, ўзини унинг фарзанди деб атаб, бу билан чексиз фахрланади:

Меҳмон деса, қилсалар ҳурмат,
Фахрланиб, гоят хурсандман.
Бўлинганда ўртада меҳнат, мен меҳмонмас,
Мен меҳмонмас,
Билдим
фарзандман.

Евгений Евтушенконинг «Самарқанд бозори» шеъри эса, бу талантли рус шоирининг серқуёш республикамизга қилган саёҳати натижасида яратилган. Ҳўш, бу шеърнинг фазилати нимада? У ўз шеърига кичик бир объектни, яъни бозорни танлайди. Шоир Самарқанд бозори, ундаги қўли гул деҳқон меҳнати билан етиштирилган ноз-неъматларни бирма-бир санайди, «сахий офтоб»нинг «мўл-кўл ёғду»си, она табиатнинг инъоми шоир қалбини ширин ҳис-туйғуларга тўлдиради. У ўз шеърини жуда содда ва юракка яқин мисралар билан бошлайди:

Самарқандда бозор бор,
Ажойиботга тўлиг...

Шоир табиатнинг ноз-неъматларини улуғлар экан, оҳори тўкилмаган ўхшатишлар, ҳаётий муболаға ва жонлантиришлардан фойдаланади. Масалан, шоир бақлажонининг таърифини келтириш учун жуда оригинал ўхшатиш ишлатади:

Офтобда тюлень каби
Тақиб нурдан маржонлар,
Қорин солиб ётади
Бу ерда бақлажонлар.
(Э. Воҳидов таржимаси).

Шоир Магелланнинг Ҳиндистонга сафар қилиб, ажабланиб қолганини эслаш йўли билан Самарқанд бозорининг камалакдай товланишини Марғилон атласига қиёс қилади, катта шеърий умумлашма чиқариб, ўзбек диёрини «атлас бўстони»га ўхшатади. Серқуёш ўлкамизнинг фазилатларини, халқимиз ҳаётининг ўзига хос томонларини маҳорат билан кўрсатади ва ўз шеърини қуйидаги ҳаётий мисралар билан тамомлайди:

Бу ерга мўл-кўл ёғду
Тўккан сахий офтобдир.
Бу ерда гул ва кулгу
Ҳар нарсадан серобдир.

Кўриниб турибдики, Е. Евтушенконинг «Самарқанд бозори» шеъри — гражданлик ва табиат лирикасининг яхши намунаси бўлиши билан бирга Самарқанднинг поэтик образи ёркин акс этган асар ҳамдир.

Рус совет шоираси Светлана Сомованинг ижоди ҳам Ўзбекистон билан алоқадор. Буни шоиранинг атоқли ўзбек шоирлари асарларини ташвиқ этиш, таржима қилишдаги хизматлари ҳам тасдиқлайди. Бахт ва гўзаллик куйчиси Ҳамид Олимжон ва унинг замондош қаламкашларига бағишланган «Шоир ҳақида достон» асари шоира ижодида салмоқли ўрин тутади. Гарчи достон бевосита Самарқанд мавзуи ҳақида баҳс этмасада, аммо унда ана шу қутлуғ шаҳар тасвирига анча ўрин берилади. Буни достоннинг «Жиззахлик бола», «Самарқанд ойи», «Зарафшон соҳилида» каби боблари мисолида кўрса бўлади. Шоира ана шу бобларда Ҳамид Олимжоннинг Жиззах ва Самарқандда кечган ёшлик ва талабалик йилларини, ижодининг дастлабки даврини гавдалантирар экан, Самарқанд тарихи ва унинг табиати тасвиридан ўринли, унумли фойдаланди. Бизнингча, Самарқандининг поэтик образини яратишга муносиб ҳисса бўлиб қўшилган «Шоир ҳақида достон» асарини рус кишисининг Ўзбекистонга бўлган чексиз муҳаббати ва садоқати ифодаси деб айтиш мумкин.

Қозоқ шоирлари Сирбой Мавленов, Буркит Исҳоқов, Ўтабой Турманжонов, Фали Ўрмонов, Ғафу Қайирбеков, озарбайжон шоирлари Сулаймон Рустам, Расул Ризо, Наби Ҳазрий, Усмон Саривели, тожик шоирлари Мирзо Турсунзода, Ҳабиб Юсуфий, Боқи Раҳимзода, қорақалпоқ шоирлари Аббос Добилов, Содиқ Нуримбетов, Жўлмирза Оймирзаев, Хўжамурод Турумбетов, Иброҳим

Юсупов, Хўжабек Сентов, Узоқбой Пиржонов, Ражап Қодиров, уйғур шоири Рўзи Қодирий, бошқирд шоири Муса Ғали, қирғиз шоирлари Али Тўқимбоев, Қувонич-бек Маликов, Темирқул Уметалиев, эстон шоирлари Оскар Круус, Айп Қаалеп, латиш шоири П. Вилипс, татар шоири Абдураим Олтонгли ва бошқа кўплаб истеъдодли қардош қаламкашлар Самарқанд мавзуида яратган асарлар айниқса диққатга сазовордир. Бу қардош шоирларнинг она шаҳримизга бағишланган шеърлари дўстларимизнинг Самарқандга нисбатан бўлган қалб меҳри, чин муҳаббати ва самимий ихлосидан далолат беради.

Самарқандининг 2500 йиллик тўйида азиз меҳмон бўлиб қатнашган Собит Муқонов ундан олган ўз таассуротлари билан ўртоқлашиб, Самарқанд ва унинг кишилари тўғрисида бундай деб ёзган эди: «Самарқанд — тенгсиз шаҳар. У ўзининг ял-ял товланиб турган қадимий бинолари билангина эмас, балки жаҳонга етиштириб берган улуғ кишилари билан ҳам муқаддасдир».

Қозоқ шоири Ўтабой Турманжоновнинг янги шеърлари тўпламида (Олма-Ота, 1965 йил) шоирнинг Самарқанд мавзуида ёзилган бир туркум шеърлари эълон қилинган. «Самарқанд ўланлари» деб номланган бу туркум шеърлар шоирнинг истеъдодидан далолат бериб турибди. Хусусан, шоирнинг «Самарқанд, сулув Самарқанд», «Зарафшон», «О, Улуғбек» сарлавҳали шеърлари ўзининг ғоявий-бадиий баркамоллиги, шоир мушоҳадасининг теранлиги билан ўқувчини қувонтиради. «Самарқанд, сулув Самарқанд» шеъри ҳажм жиҳатидан унча катта бўлмаса-да, ўзининг мазмундорлиги, ғоявий ўткирлиги билан шоирнинг бу мавзуда ёзган асарларидан фарқ қилади ва муаллиф ижодида салмоқли ўрин эгаллайди.

Самарқандининг поэтик образи тожик совет шоирлари ижодида ҳам ёрқин чизилмоқда.

Самарқанд азалдан ўзбек халқининг севимли пойтахт шаҳри, илм-ҳикмат, фан ва маданият маркази бўлиб келган бўлса, бу қадимий ва ҳамиша навқирон шаҳар қадим-қадимдан тожик халқининг ҳам севимли шаҳри. Истеъдодли тожик шоири Ғаффор Мирзо сўзлари билан айтганда: «Самарқанд! Бу шаҳар бир қария бўлиб, серажин пешанасини силаб-сийпаб тўрт минг йиллик беш минг йиллик воқеаларни ёдга келтиради. Самарқанд! Бу биргина номнинг ўзигина бошқа бирор ило-васиз, бошқа бирор сўзнинг ёрдамисиз икки халқ — тожик ва ўзбек халқлари тарихининг сарлавҳаси бўла олади».

...1960 йили Ўзбекистонда тожик адабиёти ва санъати декадаси бўлиб ўтди. Ўзбек-тожик халқлари маданиятлари, адабиётлари ва санъатларининг чинакам кўригига, куй ва соз, қўшиқ ва рақс байрамига айланган ана шу декада кунларида Самарқанд шаънига илиқ ва самимий сўзлар айтилди, қадимий ва ҳамиша навқирон дилёрга атаб кўплаб поэтик асарлар ёзилди. Боқи Раҳимзоданинг гражданлик ва ватанпарварлик руҳи билан суғорилган «Салом, Самарқанд» шеъри ҳам ана шу ширин таассуротлар, ёқимли хотиралар самараси бўлиб майдонга келди.

Раҳим Жалил «Зарафшон» қўшиғида туни кундуздек мунаввар, меҳри қуёш, чор атрофи чароғон Самарқандни рамзий образлар, шеърий ифодалар билан таъриф-тавсиф қилади:

Зарафшон, қил давом, зар сочмоғингда,
Оқиб, соҳилга гавҳар сочмоғингда,
Самар бахшинг билан яшнаб Самарқанд.
Бухоро кулди яксар, сочмоғингда,
Топиб водий бу тарз файзу тароват,
Гўзаллик, зебу зевар сочмоғингда.

(С. Абдулла таржимаси).

Фольклор асарларига, аниқроғи, халқ термаларига хос хусусият Меҳмон Бахтийнинг «Самарқанд қўшиғи»нинг фазилатини ташкил этади. Қўшиқда Самарқандниинг ўтмиши ва бугунги бахтли ҳаёти, унинг порлоқ истиқболи ўз ифодасини топган, яъни, шоирнинг ўзи таъкидлаганидек, давр қиссасини, Самарқанд тарихининг ёрқин саҳифаларини гавдалантиришга интилган:

Томошага келар сени деб офтоб,
Уфқ гумбазидан ўтади шу тоб.
Сенсан она ернинг кўрки, жамоли,
Қуёш йўли билан юриб камол топ.

Рус шоири А. Кудрейко эса, ўзбек халқининг Улуғ Ватан уруши йилларида бошпанасиз қолган қардош-

ларга кўрсатган беғараз ёрдами, меҳрибонлиги ва ғамхўрлигини, халқларимизнинг курашларда тобланган ва синовдан ўтган бирлиги ва дўстлигини улуғлайди.

Шоирнинг «Ўзбек ҳовлиси» шеъри миннатдор қалб туйғуларини ифода этган. Муаллиф ўзбек ҳовлиси, яъни ўзбек хонадони мисолида халқимизнинг ҳотамтойлигини, дўст учун кўкси қалқон, бағри очиқлигини, дастурхони ҳамиша ёзиқлигини эсда қоладиган поэтик образлар, ҳаётий чизгилар, бадиий лавҳалар орқали тасвирлайди:

Жанг чоғи бағрида ярадорларни
Ардоқлади, берди меҳр ва таом...
Иссиқдан димиққан ўрикзор боғда,
Мангалкада ўтин қалар эдик биз.
Тиззамизда ёғоч синдирган чоғда,
Қозиқда биқирлаб қайнар шўрвамиз.

(Ю. Шомансур таржимаси.)

Шоир Самарқанд табиатидаги уйғоқликни, гулларнинг яшнаб туришини, кўкда балқиб сузган ойни тасвирлар экан, бу билан ўша йилларда кишиларнинг кайфиятини, ғалабага, келажакка бўлган ишончини рамзий ифодалар орқали чизади:

Самарқандининг кўкида балқиб,
Ҳовлига зиёсин ёғдиради ой.
Ой ўзи энг кўҳна тарихчи, балки,
Неларнидир эслар ҳозир, ҳойнаҳой.

«Янги ой» шеърининг қаҳрамони — Улуғ Ватан уруши қатнашчиси, Сталинград мудофаасининг қаҳрамони. Шеърда ҳикоя қилинишича, врачлар унга: «Самарқандга бориб, Осиё ҳавосидан тўйиб-тўйиб нафас ол, шунда албатта соғайиб кетасан», деб, маслаҳат берадилар. Лирик қаҳрамон ана шу маслаҳатга амал қилади ва Самарқандда бемор қалбини даволайди, тузалиб кетади... Шоирнинг «Янги ой» шеъри замирида ётган воқеа ана шундан иборат.

Шоир бу шеърда Самарқанд кечасига мурожаат қилиш йўли билан лирик қаҳрамоннинг кечинмаларини, унинг лирик туйғуларини ифодалайди. Лирик қаҳрамоннинг энг яқин йўлдоши, суҳбатдоши эса осмон қизи

— Ой. У Самарқанднинг оромли оқшомида ўзбек гилами узра ётиб, ором олар экан, хаёлини ўзбек халқининг меҳрибонлик ва ғамхўрликлари ҳақидаги ўйлар қуршаб олади...

Шоир Самарқанднинг сўлим кечасини, дилбар табиатини, тоғлар нафасини, сув юзида кумушранг тангаларнинг жимирлашини, дарахтлар барги аро ой шуъласининг чайқалишини, қовунларнинг исини, кўҳна мўъжизаларнинг макони — Регистон, афсонавий Шердорни, қадимий тошларнинг тунги ҳолатини чизар экан, мўътабар ва мафтункор шаҳримизга меҳримизни янада ошириб юборади. Анатолий Кудрейконинг маҳорати шундаки, у ўз шеърига ўша оловли йилларнинг қайноқ нафасини, халқларимизнинг бир-бирига бўлган ўтли муҳаббатини сингдира билган:

Болаликдан ноошно бўлган бу ажиб диёр,—
Яқин менинг қалбимга, йўқ, йўқ, бегона эмас.
Оғриғим унутилди, дардим қолмади зинҳор,
Баданимга сингиди ичганим май, мусаллас.

Қардош шоирлар ижодини кўздан кечириш жараёнида шу нарса кўзга аниқ ташланадики, баъзи шоирларнинг асарлари Самарқанднинг тарихи, унинг шоирлари, олимлари, наққошлари, меъморлари ҳақида баҳс этади. Хусусан, ўзбек халқининг донишманд фарзанди, буюк мунажжим ва давлат арбоби Мирзо Улуғбекнинг астрономия, математика ва бошқа фанлар соҳасидаги хизматлари, у Самарқандда барпо қилдирган маърифат ва маданият ёдгорликлари қардош совет шоирларига илҳом манбаи бўлиб хизмат қилмоқда. Бу фикримизнинг ҳақлигини Улуғбекнинг порлоқ сиймоси жонлантирилган кўплаб асарларнинг ўзбек тилига таржима қилиниб, халқимизнинг маънавий мулкига айлантирилаётганидан ҳам билса бўлади. Бу ўринда бошқирд шоири Муса Ғалининг «Улуғбек», эстон шоири Оскар Круусининг «Улуғбек ва юлдузлар» шеърларини мисол келтириш мумкин.

Ҳар иккала шоир Улуғбек образини ўзига хос услуб, янгича поэтик ифода ва тасвирлар билан яратишга интилади.

Муса Ғалининг «Улуғбек» шеъри:

Чинорлар кўлкаси — кўчалар бўйлаб,
Уззукун айланиб юрдим мамнун, шод.
Ҳар босган одимим тарихдан сўйлаб,
Самарқанд турарди қошимда кушод,—

(Асқад Мухтор таржимаси.)

деган сатрлар билан бошланиб, сўнг Улуғбек яшаган замонга, унинг хизматларини таърифлашга ўтилади.

Оскар Круус эса, «Улуғбек ва юлдузлар» шеърини:

Улкан сарой айвонда, ана, Улуғбек,
Қош чимириб ўтиради хаёлчан ва тек,—

(Ҳайриддин Салоҳ таржимаси.)

деб бошлайди.

Кўриниб турибдики, ҳар икки шоир бу буюк инсон образини ўзига хос услубда яратади.

Муса Ғали инсоннинг хаёлини, унинг чуқур орзулар билан яшашини, одамнинг парвозга талпинишини гавдалантириш мақсадида рамзий образ — қуш образини қўллайди; қушнинг кўкка парвозини тасвирлаш орқали инсоннинг ички маънавий дунёсини — унинг мақсадини очишга интилади:

Боқ, ана, қуёшга интилиб бир қуш,
Пастликдан кўкларга отилди мағрур.
У кўм-кўк осмонга айтиб минг олқиш,
Кўкларга чорлади — инсонни мағрур.
Аввал ҳам кўкларга учгандир қушлар:
Ва лекин кетидан кўкка боққан ким?

Оскар Круус Улуғбекнинг мураккаб ҳаёт йўлини, унинг порлоқ сиймосини тўлақонли гавдалантириш учун у яшаган, ишлаган давр манзараларини чизади:

Ҳақиқатни ўйлаб топди охир Улуғбек;
Фазоларга чиқиб бўлмас, гар бўлмаса эрк.
У изланди қасд қилса ҳам қонхўр замона,
Боши узра сайёралар бўлди парвона.

Оскар Круус «авлодлар қалбида Улуғбек сиймоси абадий яшаяжак» деган ғоянн қуйидагича ифодалайди:

Юлдузларга қўнганда бир кун авлодлар,
Зўр мунажжим Улуғбек, шубҳасиз ёдлар.

Муса Ғали шеъри эса, келажакка ишонч кайфиятини акс эттиради:

У ерда яшаган, осмонга чорлаб,
У яхши биларди осмон тилларин.
Эҳтимол, шундандир, юлдузни чоглаб,
Осмонга учиши ер ўғилларин.

Эстон шоири Каалеп 60-йилларнинг бошлари Совет Ўзбекистони меҳнаткашларининг ҳаёти, жумладан, Самарқандининг ўтмиши ва бугунги ҳаёти билан яқиндан танишди. Ана шу сафар таассуротлари асосида унинг «Самарқанд гулдастаси» номли шеърлар тўплами пайдо бўлди. Эстон тилида 1963 йилда нашр этилган бу тўпламдаги шеърларда ўзбек халқига, жумладан, Самарқанд меҳнаткашларига қардошлик ҳурмати, дўстлик муҳаббати ўз ифодасини топган. Ҳурмат ва муҳаббат, дўстлик ва илҳом гулдастаси бўлган тўпламдан «Ўзбек рақси», «Самарқанд четида», «Чойхона», «Гилам тўқувчи қизлар» каби гўзал образларга бой, самимий ва жўшқин шеърлар жой олган. Қаалеп самарқандлик тўқувчи қиз Сайёра, унинг мафтункор ҳунари ва меҳнатини эҳтирос билан тўлиб-тошиб куйлайди:

Сайёра гилам тўқир —
Қуёшнинг нур шоввоси
Акс этади гиламда,
Оқ, мовий, қизил ранглар —
Гўзал баҳор ҳавоси
Кўз элтади гиламда!

Серқуёш Ўзбекистоннинг камоли, гўзал табиати, ўзбек ва қирғиз халқлари ўртасидаги самимий дўстлик қирғиз бадиий сўз усталари ижодида ҳам зўр руҳ билан тараннум этилмоқда. Ленин мукофоти лауреати Чингиз Айтматовнинг «Пахтанинг ойдин йўли» публицистик мақоласини, Али Тўқимбоевнинг буюк ўзбек шоири ва мутафаккирига бағишланган «Алишер Навоий» шеърини, Темирқул Уметалиевнинг «Дарахт», Қувоничбек Маликовнинг «Дўстлик гулхани», «Устанинг муҳаббати» каби шеърий асарларини қайд этиш ўринлидир.

Қувончбек Маликов «Устанинг муҳаббати» («Самарқанд афсонаси») номли асар ёзди[1]. Бу асарга Бибихоним ва меъмор ҳақидаги халқ афсонаси асос қилиб олинган. Кўплаб шеърлар, достонларнинг биринчи манбаи бўлган бу афсонага қирғиз шоири ўзича ёндашади. Бошқа шоирларда Бибихоним образи асосий ўринга чиқарилган бўлса, Қувончбек Маликов асосан уста образини тўлароқ очишга ҳаракат қилади. Асарда бадиий бақувват поэтик ифодалар ҳаётий диалоглар, шеърий таъкидлар усталик билан берилади.

Собирали Қулиев эса, «Регистон» шеърида Самарқанднинг ўтмиши билан бугунги кунини таққослайди: тарихни бир-бир варақлайди, Самарқанднинг ўтмишига доир далилларга мурожаат қилади, унинг қадим шарқ фозиллари ўлкаси, Ибн Сино, Улуғбек, Хўжа Ҳофиз, Умар Хайём, Навоий каби олимлар, шоирлар, донишмандлар диёри эканлиги билан фахрланади.

Шеърнинг якунланиши ҳам оригинал. Шоир Самарқанд тарихига оид ҳаётий манзараларни тасвирлаганидан сўнг, европалик турист йигитга мурожаат қилади ва ўз мақсадини, шеърдан кўзланган ниятини ўртага ташлайди:

Турист йигит! Европалик! Бўлма бунча ҳангу манг,
Наққошликни ўрганиб кет сен Шарқдан.
Юрагимиз Регистондан ҳам гўзалроқ ва тиниқ,
Ҳаётимиз Регистондай қонли-шонли йўл босган.

(Т. Адашбоев таржимаси)

Уйғур шоири Рўзи Қодирийнинг «Салом, Самарқанд» номли шеъри икки қисмдан иборат. Шоир ўз асарининг биринчи қисмида Самарқанд тарихи билан боғлиқ афсонани келтиради. Лирик қаҳрамоннинг бобоси ҳикоя қилиб берган афсонада Самарқандни кўриш орзусида бўлган, аммо замоннинг зайли билан шу шарафга муяссар бўла олмаган кексаларнинг ички кечинмалари, армонлари берилади.

Уиг қўлим кўксимда, салом, Самарқанд,
Сенга бу ҳурматим бобомдан мерос.

[1] «Қирғизистон маданияти» газетаси, 1970 йил, 11 февраль.

Чиройингга Қашқар чироғи пайванд.
Азалдан сенга зўр ундаги ихлос.
Саломим қабул эт, қадимий гулшан,
Ўзбек қариндоши — уйғур ўғлиман,
Юлдузли кўксингга чин ишқим билан,
Қашқардан учган бир қалби чўғлиман.

Асарда тасвирланишича, лирик қаҳрамон бобосининг насиҳатини амалга оширади ва Самарқандни ўз кўзи билан келиб кўради, бобоси эртасида ифодаланган, бугун кўз ўнгида турган Самарқанд тасаввур этганидан ҳам юз чандон гўзалроқ эканлигига қаноат ҳосил қилади. Самарқанднинг замонавий ҳаёти, унинг фан ва илмнинг маркази, саноат шаҳрига айланганлигини шоир тараннум этади.

Қардош шоирларнинг Самарқанд мавзуида яратилган асарлари хусусида сўз кетар экан, муҳим бир масалага тўхталиб ўтиш жоиздир. Самарқанд мавзуининг ишланишида ҳали бирмунча камчилик ва нуқсонлар ҳам йўқ эмас. Бизнингча, бу нуқсон ва камчиликлар турли характерда бўлиб, улар асосан қуйидагилардан иборат:

Аввало, қардош шоирларнинг Самарқандга бағишланган поэтик асарлари тематикаси бирмунча тор, мазмуни анча саёз. Буни Самарқанд мавзуидаги асарлар орасида шаҳарнинг ўтмиши, унинг тарихий обидалари, ёдгорликлари, афсоналари билан боғлиқ шеърлар анча бўлгани ҳолда, замонавий Самарқандни акс эттирадиган, унинг истиқболини гавдалантирадиганлари озчиликни ташкил этишида ҳам кўрса бўлади.

Иккинчидан, қардош шоирларнинг ўзбек темасида, хусусан, Самарқанд мавзуида ёзилган ҳамма асарлари ҳам сараланиб, танланиб, моҳир таржимонлар иштирокида ўзбек тилига маҳорат билан таржима қилинаяпти, деб бўлмайди; таржима қилинган шеърий асарларнинг бир қисми юксак дидли, саводли китобхонлар талабига ҳали тўлиқ жавоб бермайди.

Учинчидан, баъзи асарларда Самарқанд тарихини тўғри акс эттирмаслик, ҳақиқий аҳволни, воқелигимизни бузиб кўрсатиш ҳоллари ҳам юз берди. Бунга Л. Волинскийнинг «Новий мир» журналининг 1961 йилги 12-сонида эълон қилинган очерки мисол бўлади. Социалистик воқелигимизни чеклаб, бузиб кўрсатувчи,

ҳақиқий аҳволдан шабкўрларча кўз юмувчи бу асар кенг жамоатчиликка маъқул тушмади ва унинг танқидига дуч келди. Ўзбекистон зиёлиларининг III съездида ва ана шу съезд делегатларининг нутқларида, жумладан, Қ. Муртозаев, Ҳамид Ғулом, Р. Нишонов ва бошқаларнинг чиқишларида Л. Волинскийнинг очерки кескин танқид қилинди, матбуотда, бундай чиқишлар воқелигимизга туҳмат, Совет Ўзбекистони, жумладан, Самарқанд ҳаётини бузиб кўрсатишдан иборат бир хунук ҳол, деб баҳоланди. Жумладан, Х. Дониёров, С. Мирзаев, С. Шермуҳамедов ўртоқлар ўз китобларида тўғри қайд этганларидай, «мамлакатимиздаги ана шу янги қаҳрамонлик ва чинакам гўзалликларни кўрмайдиган ёки кўра олмайдиган, ҳаётдаги фақат салбий нарсаларнигина тасвирлаш билан ўралиб қолган «санъаткорлар» ҳам онда-сонда учраб туради. Республикамиз жамоатчилиги томонидан ўз вақтида танқид қилинган Л. Волинский ана шундай «очеркист»лардандир. Чунки унинг Ўзбекистон ҳақида ёзилган очеркида.. республикамиздаги буюк ўзгариш ва яхши томонлар бир четда қолиб кетиб, салбий томонлар ўринсиз равишда бўрттириб кўрсатилган; ўз-ўзидан маълумки бундай «асарлар» ҳаёт ҳақиқатига тўғри келмагани дек, партия томонидан совет ёзувчилари олдига қўйилган талабларга ҳам мутлақо жавоб бера олмайди»..

Улуғ танқидчи В. Г. Белинский ибораси билан айтганда, ҳақиқий шеърларда «картина садолар орқали гапиради, садолар картина яратади, сўзлар эса бўёқлар билан порлаб, образлар билан жилваланиб, оҳанглар билан жаранглайди».

Халқ ана шундай образлар билан жилваланиб оҳанглар билан жаранглайдиган, садолар картина яратадиган поэтик асарларни ёқтиради, ана шундай асарлар билан маънавий дунёсини бойитади. Дарвоқе, совет шоирларининг ғоявий-бадиий жиҳатдан бақувват баркамол асарларигина халқ мулкига айланиб қолади